

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил сентябрь ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди, сайёр суд мажлиси гулистон шаҳар “Намуна” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.Омонов, И.Эсонбоевнинг котиблигида, тарафлардан Гулистон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Ахмедов, судланувчи С.Мамадалиев ва унинг ҳимоячиси “ABSOLVO” адвокатлик ҳайъати адвокати Ш.Кучкаров, фуқаровий даъвогар Н.Умматовнинг иштирокида Мамадалиев Сардорбек Арслоновичга нисбатан 1-1201-2102/140-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Мамадалиев Сардорбек Арслонович (Mamadaliyev Sardorbek Arslonovich), 1990 йил 30 октябрда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Юлдуз МФЙ, Ибн Сино кўчаси, 33-уй, 27-хонадонда доимий рўйхатда туриб, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Маърифат МФЙ, Тохористон кўчаси, 98-уй, 4-хонадонда яшаб келган, эҳтиёт чораси тариқасида “қамоққа олиш” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 20 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи С.Мамадалиев мансабдор шахс бўла туриб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этган.

Жумладан, АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиали мансабдор шахслари билан олдиндан жиний тил бириктириб, аукцион савдолари орқали 100,0 млн. сўмга сотиб олинган, кадастр баҳоси 68,6 млн. сўм бўлган, фуқаро Ғ.Жумаевнинг номидаги Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чинмасжид маҳалласи ҳудудида жойлашган нотурар жой биносини “SIFAT VANOLASH BIZNES” МЧЖга 2 571,2 млн. сўмга баҳолатиб, банк ходимлари билан 850,0 млн. сўмга гаровга тақдим этиш юзасидан келишувга эришиб, 2020 йил 21 октябрда АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиали билан “MADAD QURILISH” МЧЖ ўртасида йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан, 18 ой муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан



700,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши юзасидан 893-сонли кредит шартномаси тузиб, бизнес режада кўрсатилган маҳсулотларни олмасдан, маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаб юбориб, банк олдидаги 700,0 млн. сўм кредит тўловларини тўламасдан, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

С.Мамадалиев ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Мамадалиев Сардорбек Арслонович** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам, 2020 йил 21 октябрда АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиалига “MADAD QURILISH” МЧЖнинг айланма маблағларини тўлдириш учун кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилганлигини, сўнг Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чинмасжид маҳалласи ҳудудида жойлашган нотураар жой биносини, аукцион орқали 100,0 млн. сўмга сотиб олиб, Жумаев Ғайрат Нормуродовичнинг номига расмийлаштирганлигини, ушбу бинони Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги “Сифат баҳолаш бизнес” МЧЖ томонидан 2 571 260,0 минг сўмга баҳолатиб, АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиалига гаров таъминоти сифатида тақдим қилганлигини, банк ходимлари мулкни жойига бориб кўриб, суратларга олиб, 875,0 млн. сўмга баҳолаганлигини, шу гаров таъминотига асосан 2020 йил 21 октябрда йиллик 20 фоиз устама тўлаш ҳамда 6 ой имтиёзли давр билан, муддати 18 ой муддатга жамият айланма маблағини тўлдириш учун, 700,0 млн. сўм кредит ажратиш юзасидан 1893-сонли кредит шартномаси тузилганлигини, 700,0 млн. сўм кредит маблағи 2020 йил 10 ноябрда Сурхондарё вилояти, Термиз туманидан рўйхатдан ўтган “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖдан 815 сўмдан 858 тонна цемент маҳсулотлари сотиб олиш учун ўтказиб берилганлигини, сўнг “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖ томонидан Фарғона водийсидан 9 та 40 тоннали юк машинасида цемент маҳсулотларини олиб, 8 та юк машинасидаги цементни Тошкент шаҳридаги қурувчиларга шартнома тузмасдан нақд пулга сотиб юборганлигини, 1 та юк машинасидаги цементни Сурхондарё вилоятида сотганлигини, “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖ 2020 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳридан яна 10 та 40 тонналик юк машинасида цемент маҳсулотларини берганлигини, ушбу маҳсулотларни Сурхондарё вилоятига олиб кетаётганида “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖ раҳбари Жўраев Шерзод Жиззах вилояти ҳудудида автомашиналарни тўхтатириб, “АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиали у олган кредитини қайтариш талаб қилганлигини, муаммони ҳал қил бўлмаса, цементни қайтар” деганлигини, шундан сўнг “Марказий банк” ишонч телефонида қилган мурожаатига асосан 1 ҳафта ичида цементни олиб кетишига рухсат берилганлигини, ноябрь ойи ҳаво совуқ, ёғингарчилик бўлганлиги сабабли маҳсулотга сув ўтиши натижасида цементни бир қисми қотиб ҳам қолганлигини, Сурхондарёга олиб бориб, Термиз тумани, Чегара



маҳалласидаги омборхонага тушириб, ўша ерда нақд пулга аҳолига сотганлигини, бир қисмини ўзининг қурилишига ҳам ишлатиб юборганлигини, гаров таъминоти Тошкент вилояти, Чиноз туманида жойлашганлигини, Сирдарё вилоятига яқинлиги сабабли кредитни шу ердан олганлигини, “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиалига кредитни биржага чиқариб беринглар деганида улар ресурс йўқлигини айтишганлигини, шундан сўнг у “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖ билан шартнома тузиб олиб келганидан сўнг ички ресурс орқали кредит ажратиб берилганлигини, “MADAD QURILISH” МЧЖнинг фаолиятида молиявий қийинчиликлар юзага келганлиги сабабли кредит қарздорлигини ўз вақтида тўлай олмаганлигини, Термиз тумани, Чегара маҳалласида жамиятига қарашли объектда қурилиш ишларини амалга оширганлигини, Айритом маҳалласида меҳмонхона биносини таъмирлаш ишларига шлакоблок, пенаблок ишлаб чиқариш цехи очишга ва бошқа майда харажатлар учун ишлатиб юборганлигини, кредит олишида ҳеч ким билан қонунга зид келишув бўлмаганлигини, айбига иқдорлигини ва пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчининг айби ўзининг айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Жумладан, фуқаровий даъвогар **Умматов Нормухаммад Исламович**нинг суддаги, «Ипотека банк» АТИБ Бошқармаси ва “MADAD QURILISH” МЧЖ ўртасида 2020 йил 21 октябрь куни тузилган 1893-сонли кредит шартномасига асосан, “MADAD QURILISH” МЧЖга “Айланма маблағларни тўлдириш” мақсадида йиллик 20 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti билан 18 ой муддатга 700,000,000 (етти юз миллион) сўм миқдоридида кредит ажратилганлигини, гаров таъминот сифатида 2020 йил 26 октябрь кунги ипотека шартномасига асосан фуқаро Жумаев Ғайрат Нормуродовичга тегишли, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама ҚФЙ, Охунбобоев кўчасида жойлашган, кадастр рақами №11:13:01:01:01:0083 бўлган, “Омборхона” биноси тақдим этилганлигини, “MADAD QURILISH” МЧЖнинг 2021 йил 08 февраль куни ҳолатига банк олдида кредитдан асосий қарздорлиги 700,000,000 сўмни, 33 686 301 сўм фоиз қарздорлик, жами 733 686 301 сўм қарздорлик юзага келганлигини, шартномага асосан филиал мижози “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖнинг 2020 8000 0053 0282 8001 ҳисоб рақамига 700,0 млн.сўм пул маблағи “MADAD QURILISH” МЧЖнинг 15501 кредит ҳисоб рақамидан “цемент” учун ўтказиб берилганлигини, 2020 йил 18 ноябрь куни “Ипотека банк” АТИБ Сурхондарё вилояти филиали ходимлари Б.Шокиров ҳамда У.Бабакулов томонидан “MADAD-QURILISH” МЧЖнинг кредит йиғма жилдидаги гувоҳномасида кўрсатилган манзили, яъни Термиз тумани, Чегара МФЙ бўйича ўрганиш ишлари ўтказилганда, мижоз манзилда мавжуд эмаслиги, 2020 йил 17 ноябрь куни филиал ходимлари Ж.Душабоев ҳамда А.Худойкуловлар томонидан кредит мақсадли ишлатилиши юзасидан имзо намуналари ҳамда юридик йиғма



жилдидаги гувоҳномасида кўрсатилган манзили, яъни Қибрай тумани, Зафаробод МФЙ, Турсунзода кўчаси бўйича ўрганиш ишлари ўтказилганда, мижоз юридик манзилда мавжуд эмаслиги, 2020 йил 18 ноябрь куни “Ипотека банк” АТИБ Сурхондарё вилояти филиали ходимлари Б.Шокиров ҳамда У.Бабакулов томонидан “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖнинг гувоҳномасида кўрсатилган манзилида, яъни Термиз тумани, Учқизли МФЙ бўйича ўрганиш ишлари ўтказилганда, мижоз юридик манзилда мавжуд эмаслиги аниқланганлигини, “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари банкни алдаш орқали кредит маблағларини ажратилишига эришиб, кредит маблағларини талон-торож қилиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб, “Ипотека банк” АТИБга кўп миқдорда зарар етказганлигини, суд ҳал қилув қарорига асосан кредит шартномаси ҳам бекор қилинганлигини, ҳозирги кунда ажратилган 700,000,000 сўм кредит маблағларидан 401,000,000 сўм тўланиб, 299,000,000 сўми қопланмаганлигини билдириб, шу маблағни ундириб бериш ҳақидаги;

-гувоҳ **Холбоев Ғайрат Хўжабекович**нинг, судда ҳақиқатдан ҳам, Гулистон шаҳар прокуратурасининг 2021 йил 22 июндаги “Банк сирини ташкил этувчи маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳамда ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида”ги қарори ва Марказий банк Сирдарё вилоят Бош бошқармасининг 2021 йил 25 июндаги 18-12/100-сонли хатига асосан АТБ “Микро-кредит-банк” Сирдарё вилоят минтақавий филиали Ички назорат шуъбаси мудирини, яъни у томонидан АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиали бошлиғи в.б О.Рахмонқулов хабардорлигида ҳужжатли тафтиш ўтказганлигини, тафтишда “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари Мамадалиев Сардорбек Арслонович томонидан 2020 йил 28 августда Ипотека банк Сирдарё вилоят филиалига ҳисоб рақам очиш бўйича ариза билан мурожаат қилиб, 2020 йил 28 августдаги рақамсиз шартномага асосан миллий ва хорижий валютадаги амалиётлар бўйича банк хизматларини кўрсатиш шартномаси имзоланганлиги, “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари Мамадалиев Сардорбек Арслонович 2020 йил 21-октябрда «Ипотека банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиали бошқарувчиси С.А.Байманов номига айланма маблағларини тўлдириш мақсадида 18 ой муддатга (кредит асосий қарзини 7-ойдан бошлаб сўндириш) йиллик 20 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан суммаси кўрсатилмаган ариза билан мурожаат қилиб, кредит ажратилишини сўраб, кредит таъминоти учун Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чинмасжид маҳалласи ҳудудида жойлашган фуқаро Жумаев Ғайрат Нормуродовичга тегишли “Нотурар жой” биноси гаровга тақдим этилишини маълум қилганлигини, 2020 йил 21 октябрда кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган мол-мулкларнинг гаровга қабул қилиш келишув далолатномаси имзоланиб, унда кредит таъминоти, “Нотурар жой” биноси, “SIFAT BAHOLASH BIZNES” МЧЖ нинг 2020 йил 13 августдаги 1459/5-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 2 571 260 000 сўмга баҳоланганлиги ва томонларнинг ўзаро келишувига кўра баҳоси 875 000 000 сўм эканлиги қайд этилиб, банк филиали раҳбари ўринбосари



Т.Мухамадиев, кредитлаш маркази раҳбари Ш.Облакулов, иқтисодиёт тармоқларини ва кичик бизнесни кредитлаш бўлими бошлиғи И.Тожиев, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш бўлими бошлиғи Н.Комилов, филиал инженер баҳоловчиси А.Худойқулов, кредит инспектори Х.Ахтамов, ҳуқуқшунос Н.Умматов, гаров мулки эгаси Ғ.Жумаев ва “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари С.Мамадалиев имзолаганликларини, кредит комиссияси кредит инспектори Б.Анорбоевнинг хулосасини инобатга олган ҳолда, “MADAD QURILISH” МЧЖга айланма маблағни тўлдириш учун 700,000,000 сўм, 18 ой муддатга 6 ой имтиёзли давр асосида йиллик 20 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti билан Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чинмасжид маҳалласи ҳудудида жойлашган фуқаро Жумаев Ғайрат Нормуродовичга тегишли “Нотурар жой” биносини гаровга олган ҳолда кредит ажратиш маъқулланганлиги тўғрисида 2020 йил 21 октябрда 1893-сонли мажлис баённомасига асосан кредит комиссияси қарори расмийлаштирилиб, 2020 йил 21 октябрдаги 1893-сонли кредит шартномаси тузилганлигини, кредит шартномаси бўйича ажратилиши лозим бўлган 700,000,000 сўм кредит маблағи “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖга 2020 йил 21 октябрдаги 1893-сонли кредит шартномасига асосан ва 2020 йил 10 ноябрдаги 1-сонли шартномага асосан цемент (марка 500) сотиб олиш учун олдиндан 100% тўлов ўтказилмоқда мазмунида 11 ноябрь 2020 йил ўтказиб берилганлигини, 2020 йил 17 ноябрда «Ипотека банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиали инженер мутахассиси А.Худойқулов ва мониторинг бўлими ходими Ж.Душабоев томонидан “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари С.Мамадалиев иштирокисиз кредитнинг мақсадли ишлатилиши бўйича жойига чиқиб ўрганилганда, “MADAD QURILISH” МЧЖ раҳбари С.Мамадалиев ва “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖ раҳбари Ш.Жураев ўртасида 2020 йил 10 ноябрда тузилган 01-сонли шартномага асосан олинган цемент (марка 500) маҳсулотлари олинмаганлиги ҳамда “MADAD QURILISH” МЧЖ Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ, Турсунзода кўчаси ҳудудида жойлашган манзилда фаолият юритмаётганлиги аниқланганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилганлигини, банк филиали томонидан “MADAD QURILISH” МЧЖ номига ажратилган кредит маблағларининг мақсадсиз сарфланганлиги сабабли 2020 йил 19 ноябрдаги 10/4562-сонли огоҳлантириш хатлари қарздорга юборилганлигини, “MADAD QURILISH” МЧЖга ажратилган 700,000,000 сўм кредитнинг 2021 йил 28 июнь ҳолатига жами қарздорлиги 797,451,953.94 сўм, шундан 15501-ҳисоб рақамда асосий қарзи қолдиғи 583 333 333.34 сўм, муддати ўтган кредитлар 13105-ҳисоб рақамда асосий қарздорлиги 116,666,666.66 сўмни, ҳисобланган фоиз қарздорлиги 88,906,392.29 сўмни, кредит бўйича ҳисобланган жарима ва пенялар 8,545,561.65 сўмни ташкил этганлигини билдириб берган кўрғазмаси билан;

-гувоҳ **Худойқулов Абдуазиз Абдуразоқович**нинг, судда ҳақиқатдан ҳам, 2020 йил 21 октябрда АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё



вилоят филиалига “MADAD QURILISH” МЧЖнинг раҳбари С.Мамадалиев жамият айланма маблағларини тўлдириш учун кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилиб, Жумаев Ғайрат Нормуроодовичнинг номига расмийлаштирилган Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чинмасжид маҳалласи ҳудудида жойлашган нотурар жой биносини, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги “Сифат баҳолаш бизнес” МЧЖ томонидан 2,571,260,000 сўмга баҳоланиб, АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиалига гаров таъминоти сифатида тақдим қилганлигини, банк ходимлари мулкни жойига бориб кўриб, суратларга олиниб, 875,0 млн. сўмга баҳолаганликларини, шунга асосан 2020 йил 21 октябрда йиллик 20 фоиз устама тўлаш ҳамда 6 ой имтиёзли давр билан, муддати 18 ой муддатга жамият айланма маблағини тўлдириш учун, 700,0 млн. сўм кредит ажратиш юзасидан 1893-сонли кредит шартномаси тузилганлигини, 2020 йилнинг ноябрь ойида 700,0 млн. сўм кредит маблағи 2020 йил 10 ноябрда Сурхондарё вилояти, Термиз туманидан рўйхатдан ўтган “SEMENT IMPO EXPO” МЧЖдан 815 сўмдан 858 тонна цемент маҳсулотлари сотиб олиш учун ўтказиб берилганлигини, жамият томонидан бугунги кунга қадар кредит қарздорлиги сўндирилмасдан келинаётганлигини, 2020 йилнинг декабрь ойида “MADAD QURILISH” МЧЖга ажратилган кредит маблағлари мақсадли ишлатилиши юзасидан у ва мониторинг бўлими ходими Ж.Душабаев билан биргаликда ўрганиб, кредит мақсадсиз ишлатилганлиги тўғрисида далолатнома тузишганлигини билдириб берган кўрғазмаси билан;

-гувоҳ **Облақулов Шахбоз Бахтиёрович**нинг, судда ҳақиқатдан ҳам, филиал мижози “MADAD QURILISH” МЧЖ томонидан 18 ой муддатга 700,0 млн. сўм кредит ажратилиши юзасидан берилган аризаси асосида 2020 йил 21 октябр куни кредит комиссиясининг мажлиси бўлиб, кредит бўлими бошлиғи томонидан ушбу мижозга кредит ажратилиши бўйича маълумотлар билан йиғилганлар таништирилиб, кредит гарови таъминоти сифатида Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чинмасжид маҳалласида жойлашган нотурар-жой биноси қўйилганлиги ва бинонинг банк баҳолаган нархи 875,0 млн. сўм эканлиги маълум бўлганлигини, йиғилганлар томонидан “MADAD QURILISH” МЧЖга кредит ажратилиши маъқулланиб, баённома имзоланганлигини, баённомада барча ҳужжатлар тўлиқ ва белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг кредит ажратилиши кўрсатилиб ўтилганлигини билдириб берган кўрғазмаси билан;

Судланувчи С.Мамадалиевнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, қарорни ижросини таъминлаш учун юбориш ҳақида хат, банк сирини ташкил қилувчи маълумот ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳамда ҳужжатли-тафтиш тайинлаш тўғрисида қарор(и.в. 100-107); АТИБ “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиалида ўтказилган ҳужжатли тафтишнинг 2021 йил 2 июндаги далолатномаси ва хулосаси(и.в. 270-274); Алоқа хати, қурилиш-техникавий экспертизаси



бўйича экспертиза хулосаси, фото-жадвал ва кўздан кечириш баённомаси(и.в. 189-202); жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш тўғрисида қарор билан ҳамда иши бўйича тўпланган бошқа инкор этиб бўлмайдиган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Судланувчи С.Мамадалиевнинг ўзгани жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланувчи хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Мамадалиевга жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг айбига иқрорлигини, содир қилган жиноятдан пушаймонлигини, қармоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган 700.000.000 сўм зарарнинг 401.000.000 сўми, яъни ярмидан кўпроқ қисми қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг “Жиноят кодекси 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, судланувчи С.Мамадалиевнинг оилавий шароитни, қармоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарнинг асосий ярмидан кўпроқ қисмини қоплаганлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, судланувчи С.Мамадалиевга қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи С.Мамадалиев томонидан 2021 йил 11 августда Сирдарё вилоят прокуратурасининг «Ипотека банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 401.000.000 сўмни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг «Ипотека банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиали ҳисоб рақамига ўтказишни, судланувчи С.Мамадалиевдан “Ипотека банк” АТИБ Сирдарё вилоят филиали фойдасига етказилган зарарнинг қолган қисми, 299.000.000 сўмни ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473,474, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд,



ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи Мамадалиев Сардорбек Арслонович (Mamadaliyev Sardorbek Arslonovich), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи С.Мамадалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, сутканинг кеч соат 22⁰⁰дан тонги соат 06⁰⁰гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи С.Мамадалиевнинг 2021 йил 25 июнь кунидан 2021 йил 21 сентябрь кунига қадар қамоқда сақланган 2 (икки) ой 26 (йигирма олти) куннинг бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегириб, сутканинг кеч соат 22⁰⁰дан тонги соат 06⁰⁰гача бўлган вақт оралиғида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 3 (уч) йил 9 (тўққиз) ой 4 (тўрт) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи С.Мамадалиевнинг зиммасига:

-маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Сурхондарё вилояти маъмурий ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик (*сайловлар билан боғлиқ сиёсий тадбирлар ҳамда дафн маросимлари бундан мустасно*);

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик ва алкоголли ичимликлар билан савдо қилувчи кўнгилочар жойларда бўлмаслик каби кўшимча тақиқлар қўлланилиб;

-6 ой муддат ичида “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиали фойдасига 299.000.000 сўм зарарни тўлиқ тўлаб беришлик мажбурияти юклансин;

С.Мамадалиевга тайинланган жазони ўташ доимий яшаш жойи Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Маърифат МФЙ, Тохористон кўчаси, 98-уй, 4-хонадонда белгилансин.

Жазони ижро қилиш Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати С.Мамадалиев Термиз шаҳар ИИБ Пробаця гуруҳи томонидан ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи С.Мамадалиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

С.Мамадалиевга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси қўлланарилиб, суд залидан қамоқдан озод қилинсин.



Судланувчи С.Мамадалиев томонидан 2021 йил 11 августда Сирдарё вилоят прокуратурасининг «Ипотека банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 401.000.000 сўмни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг «Ипотека банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиали ҳисоб рақамига ўтказилсин, судланувчи С.Мамадалиевдан “Ипотека банк” Сирдарё вилоят филиали фойдасига етказилган зарарнинг қолган қисми, 299.000.000 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка муддат ичида апелляция тартибида Сирдарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга ва прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.Омонов

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Гулистон шаҳар судининг судьяси

М.Омонов

